

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 34 ЙИЛЛИГИ ВА БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Муҳтарам Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кuni билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек ғоят шарафли ва масъулиятли ишга бағишлаган, ҳарбий қасамёди-га содиқ қолиб, мамлакатимиз мустақиллиги ва худудий яхлитлигини кўз қорачиғидек асраб келаётган она юрт посбонларига яна бир бор юксак ҳурмат ва эҳтиром билдирамиз.

Айни вақтда Ватан олдидаги йиғитлик бурчини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлган қахрамон ўғлонларимизнинг хотирасига чукчур ҳурмат бажо келтирамиз.

Бутунги кунда халқимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритмоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган том маънодаги тарихий ўзгаришларда шавкатли Қуролли Кучларимизнинг, сизларнинг ҳам муносиб ҳиссангиз бор, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

Биз сизларни буюк ажодларимиз анъаналарининг шонли давомчилари деб биламиз ва сизлардек Ватанга фидойи, душманга шафқатсиз, жанговар сафларда доимо хушёр ва курашга шай бўлган азму шижоат соҳиблари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бутунги имкониятдан фойдаланиб, эл-юртимизга шундай доворак, ботир ва баҳодир фарзандларни тарбиялаб берган ота-оналарга, ҳарбий хизмат давомида барча қувонч ва ташвишларни улар билан баҳам кўриб келаётган оила аъзоларига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Қадрли дўстлар!

Кейинги йилларда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида ортга қайтмас ислохотларимизнинг мустаҳкам кафолатларидан бирига айланиб бораётган Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий қудратини ошириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширямиз. Жумладан, бошқарув ва таъминот тизими такомиллаштирилиб, замонавий ахборот технологиялари асосида модернизация қилинмоқда, кўшинларимизнинг жанговар сафлари янгича таълим ва тарбия олган малакали офицер ва сержантлар билан тўлдирилмоқда.

Шахсий таркибнинг тайёргарлик даражаси, ҳарбий хизматчиларнинг касбий, интеллектуал ва маънавий салоҳияти изчил юксалтириб борилмоқда. Қуролли Кучларимиз замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан босқичма-босқич таъминланмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқишни ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ билан армия ўртасидаги мустаҳкам бирлик ва жипсликни янада кучайтиришга қаратилган самарали ишларимиз қатъий давом эттирилмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёнинг сиёсий ва ҳарбий харитасида қандай шиддатли ўзгаришлар юз бераётганини барчамиз кўриб, англаб турибмиз.

Турли минтақаларда геосиёсий вазият тобора мураккаблашиб, зиддият ва қонли тўқнашувлар кучаймоқда. Замонавий технологиялар, янги авлод қурол-яроғлари пайдо бўлмоқда, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг стратегия ва тактикаси янада тақомиллашмоқда.

Мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз келгусида жанг ва бошқарув усуллари замон талаблари асосида аниглаймиз, юқори малакали ҳарбий кадрларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи ва жисмоний тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини кучайтириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки ҳар қандай курашнинг тақдирини шахсий таркибнинг билим ва малакаси, ирода ва қатъияти, ўзига бўлган ишончи, мардона фазилатлари ҳал қилади.

Миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, жумладан, сунъий интеллект асосида роботлаштирилган мажмуалар билан таъминлаш, кўшинларни бошқариш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнларига илгор ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга доир ишларнинг самарасини ошириб, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ишларни кучайтирамыз. Бу борада давлат ва фуқаролик институтлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этишига алоҳида аҳамият қаратамиз.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи халқ билан армия – бир тану бир жон эканини, унинг ортида 38 миллионлик халқ тоғдек таянч бўлиб турганини доимо ҳис этиши, шундан чексиз куч, руҳ ва мадад олиши керак.

Ҳайрат-шижоатда тенгсиз бўлган ҳарбийларимиз ёшлар олдида ҳеч қачон бош эгмаган қўқмас ва ўтпорак ажодларимизнинг ўлмас меросини ўрганиб, улардан ибрат ва сабақ олиб, Ватан олдидаги муқаддас бурчини бундан буён ҳам шараф билан адо этадилар, деб ишонаман.

Азиз Ватан ҳимоячилари!

Мана шу ҳаяжонли дамларда ҳар бирингизни бутунги байрам билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, сизларга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги олижаноб фаол-иятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Жонажон Ватанимиз ҳимояси йўлида ҳеч қачон толманг, ютуқ ва зафар сизларга доимо ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош
Қўмондони

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI



БУГУНГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСРИДА БАТАН ҲИМОЯСИ ТУШУНЧАСИ ҲАМ ЯНГИЧА МАЗМУН КАСБ ЭТМОҚДА. ЭНДИ ЮРТ САРҲАДЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ НАФАҚАТ ЖИСМОНИЙ ҚУДРАТ, БАЛКИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ, РАҚАМЛИ ТАФАККУР ВА ЗАМОНАВИЙ БИЛМИЛАР БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ. АНА ШУ ЮКСАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ЁШЛАРНИ БАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, УЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ ҲАРБИЙ КАСБЛАРГА ЙЎНАЛТИРИШ БОРАСИДА ЯНГИ УФҚЛАРНИ ОЧМОҚДА.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

ИСКАНДАР ПОЛВОН ХАЛҚАРО МУСОБАҚА СОВРИНДОРИ

Бахмал туманининг Тонготар қишлоғида, 2011 йилда туғилган ёш полвон Искандар Эргашев Булунгур спорт мактабида спортнинг Юнон рум кураши билан тўрт йилдан буён таниқли мураббий Раббим Ташанов раҳбарлигида шуғулланиб келмоқда.



Камтар, ғайратли, меҳнаткаш йиғит тез орада тенгқурларидан ўзиб кетди. Мураббий кўрсатмаларини ишתיёқ билан маромига етказиб бажарган Искандар туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларнинг доимий иштирокчисига айланди. Ўтган



БАТАН ҲИМОЯСИ – РАҚАМЛИ ТАФАККУР ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ УЙЎНЛИГИ

Шу эзгу мақсадлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бошқармасида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун махсус пресс-тур ташкил этилди. Мазкур тадбир Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислохотларнинг амалий натижалари, хусусан, Рақамли мудофаа ишлари бошқармаси фаолияти билан яқиндан танишиш имконини берди.

(Давоми 2-саҳифада)

давр мобайнида ёш полвон уч карра вилоят чемпиони бўлди. Вилоят терма жамоаси аъзоси сифатида турли шаҳарларда бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда иштирок этиб, мураббийлар ва ишқибозларнинг олқишига сазовор бўлди. Яқинда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон давлатларидан ташриф буюрган 600 нафар 2011-2012 йилларда туғилган ёш полвонлар ўзaro беллашдилар. Мусобақа давомида Искандар полвоннинг маҳорати мутахассислар томонидан юксак баҳоланди. “Яна бир жаҳон чемпиони” миштиллаб нур сочмоқда”, дейишди, халқаро мусобақа кузутувчилари, тажрибали мураббийлар, олий тоифали ҳакамлар.

Мусобақада фахрли 3-ўринни эгаллаган келажаги порлоқ полвон

халқаро мусобақанинг махсус соврини билан тақдирланди. Айни пайтда Искандар полвон вилоят терма жамоаси аъзолари билан биргаликда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги Олимпия заҳиралари марказида Ўзбекистон Республикаси чемпионатида таниқли, тажрибали мураббийлар Ширинбек Ҳотамов ва Санжар Турсуновлар раҳбарлигида қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

– Отам ҳам полвон, – дейди қулиб Искандар полвон. – Курашнинг дастлабки сабоқларини отамдан ўргандим. Отам қишлоғимизда машҳур курашчи полвон бўлган. Айни пайтда юртимиз бўйлаб бўлиб ўтаётган кўпқари мусобақаларининг доимий иштирокчиси ва ғолиби бўлиб келмоқда. Шунга айтсалар керак-да, от ўрнини той босар, деб. Искандар полвонга завқли дамлار ёр бўлсин!

Раббим ҲОТАМОВ

ХАВФСИЗЛИК ВА МУДОФААНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВАЗИФАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида 13 январь кuni Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаасини мустаҳкамлаш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳарбий округлар қўмондонлари, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари, бошқа идоралар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўтган йилларда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Миллий армиямиз замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси изчил ошириб борилмоқда, мудофаа саноатининг салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Мудофаа вазирлиги қўшинларида янги тактик усуллар жорий этилиб, машғулотлар сони ва шиддати 1,5 баробарга оширилди, учувчисиз учиш аппаратлари бўлинмалари ва мутахассислар тайёрлаш марказлари ташкил этилди.

Армияни рақамлаштириш бўйича бошланган ишлар натижасида ахборот хавфсизлиги, бошқарув ва кўрсатилаётган хизматлар самарадорлиги сезиларли даражада ошди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳарбий таълим тизими тубдан янгиланди, малакали профессор-ўқитувчи ва инструкторлардан иборат Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди.

Таълим жараёнига ўқитишнинг илғор рақамли технологиялари, жумладан, сунъий интеллектга асосланган ва замонавий баҳолаш тизимлари жорий этилган ҳарбий кадрлар тайёрлаш сифатини янги босқичга олиб чиқди.

Йиғилишда мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Турли минтақавий можаролар кенгайиб, қуролланиш пойғаси авж олаётгани, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро дипломатия заифлашиб бораётгани қайд этилди.

(Давоми 2-саҳифада)



СУВ ЭКИН МАЙДОНЛАРИГА ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

бунинг учун бор куч ва имкониятларимиз ишга солинмоқда

Маълумки, кейинги йилларда дунёнинг турли давлатларида сув тақчиллиги глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Биргина иқлим ўзгариши ҳисоби-га сўнгги уч йилда сув ресурсларимиз 20-25 фоизга камаймоқда. Мамлакатимизда, шу жумладан, Хоразм вилоятда ҳам сув танқислиги кузатилмоқда.

Вилоятимизда 266,4 минг гектар

суғориладиган ерлар бўлиб, шундан 263,2 минг гектари, яъни салкам 99 фоизи турли даражада шўрланган майдонларни ташкил қилади. Суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлаш учун жами 2293 км. хўжаликлараро ва 10100 км. ички каналлар, 3960 та гидротехник иншоотлар ва 2652 та сув ўлчаш гидростлари мавжуд.

Шу билан бирга, 115,5 минг гектар

экин майдонини сув билан таъминлаш учун давлат ҳисобидаги 321 дона насос станциялари хизмат қилади.

Суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга 10473,5 км. коллектор-дренаж тармоқлари, ер ости сизот сувлари сатҳи ва шўрланишини аниқлашга 2124 та кузатув қудуқлари хизмат қилади.

Сўнгги беш йилда қарийб 213,5 минг

гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиниб, уларнинг умумий кўрсаткичи суғориладиган ер майдонларига нисбатан 80 фоизга етказилди. Жумладан, 26,9 минг гектарда томчилатиб, 7,8 минг гектарда ёмғирлатиб ва 178,8 минг гектарда бошқа турдаги сув тежовчи технологиялар жорий қилинди.

(Давоми 3-саҳифада)



Максад: ҲАБИБУЛЛАЕВ (ёза) олган суратлар.

ВАТАН ҲИМОЯСИ – РАҚАМЛИ ТАФАККУР ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ УЙГУНЛИГИ

(Боши 1-саҳифада)

Тадбир давомида журналистлар замонавий техника ва илғор ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган рақамли бошқарув тизимлари фаолияти билан танишди. Бу ерда ҳар бир рақам – тартиб-интизом, ҳар бир сигнал – масъулият, ҳар бир буйруқ эса Ватан тинчлиги сари йўналтирилган қатъий ирода ифодасидир.

Рақамли мудофаа ишлари бошқармаси бутун нафақат маълумотлар маркази, балки тезкор қарорлар қабул қилинадиган, замон билан ҳамнафас ишлайдиган стратегик маскан сифатида фаолият



Ўзбекистон – Италия: АГРАР СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Яқинда Рим шаҳрида, Италия Республикаси Депутатлар палатасида “Country Presentation – Uzbekistan” номли халқаро тадбир бўлиб ўтди. Мазкур конференция Ўзбекистоннинг инвестициявий салоҳияти, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда Италия билан савдо-иқтисодий ҳамкорлики янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.

Унда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов видео-конференц-алоқа шаклида иштирок этди.

Тадбирни Италия Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Франческо Лоллобрижида кириш сўзи билан очиб берар экан, икки мамлакат ўртасидаги аграр, иқтисодий ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини эътироф этди.

Вазир эса ўз нутқида икки томонлама қўламли иқтисодий ва институционал ислохотлар, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган тизимли янгиланишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Қайд этилишича, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги тармоғида ўсиш суръатлари йилгига ўртача 4 фоизни ташкил этмоқда. Ўтган йилда агро-озука маҳсулотлари экспорти ҳажми 3,2 миллиард АҚШ долларига етиб, Ўзбекистон маҳсулотлари 83 та мамлакат бозорига етказиб берилган.

Ўзбекистон ва Италия ўртасида ўзаро ишонч ҳамда икки томон манфаатларига асосланган қатор лойиҳалар доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама

Жорий йилдан бошлаб киберспорт, дрон ва робот технологиялари каби замонавий спорт турлари бўйича уч босқичли мусобақалар ташкил этилади

ХАВФСИЗЛИК ВА МУДОФААНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВАЗИФАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Боши 1-саҳифада)

– Бир нарсани тушуниб олиш зарур. Замонавий уруш табиати тубдан ўзгарди. Энди қайси давлат фақат танк, самолёт ёки аскарлар сонига таяниб ғалаба қозонаман деса, қаттиқ адашади. Ҳозирги жанглار сунъий интеллект, рақамли бошқарув, узоқ масофага юқори аниқликда зарба берувчи воситалар, кибер ва робот технологиялар, сиёсий-иқтисодий босим асосида олиб борилмоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис, тинчлик ва хотиржамлик энг қиммат бойликка айланаётганини бир дақиқа ҳам унутмаслик лозимлиги таъкидланди. Бу бойлиқни асраб-авайлаш учун эса ҳар бир соҳа ва тармоқ хавф-хатарларга олдиндан жавоб қайтариш бўйича “проактив иш режими”га ўтиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Олий Бош Қўмондон келгуси истиқболга мўлжалланган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга устувор эътибор қаратилади.

– Шуни унутмаслик керакки, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш армиянинг янги қиёфасини шакллантиришнинг асосий шартидир, – деди Президент.

Муддатли ҳарбий хизмат – фақат жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик эмас, балки ёшларимиз жамиятда мустаҳкам ўрнини топиши учун уларни меҳнат бозорига ва мустақил касбга тайёрлаш босқичи сифатида ташкил этилиши зарурлиги қайд этилди.

Жумладан, армияда ёшлар камида битта касб эгаси бўлиб чиқиши бўйича мутлақо янги тизим яратилади. Ҳарбий қисмлардаги асосий йўналиш ва мутахассислардан келиб чиқиб, аскарларни касбга тайёрлаш бўйича 3-6 ойлик дастурлар ишлаб чиқилади. Дастурни яқунлаган аскарлар малака имтиҳонидан ўтказилиб, уларга касб сертификати берилади.

Ҳар йили 5 минг аскар саралаб олиниб, “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” дастурлари доирасида ўқитилади.

Аскарларга муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий қисмнинг ўзида олийгоҳга ўқишга кириш учун имтиҳон топишириш имконияти яратилади. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб,

талабалikka қабул қилинган аскарлар муддатли ҳарбий хизмат якунланиши билан олийгоҳда ўқишини бошлайди.

Шу билан бирга, армиядан қайтиб, олий ўқув юртларида таҳсил олмоқчи бўлган ёшларга хорижий тил ва фан сертификати олиш харажатлари қоплаб берилади. Агар улар олийгоҳларга контракт асосида қабул қилинса, фоизсиз таълим кредити ажратилади.

Бундан ташқари, армиядан қайтган ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳам алоҳида имтиёзлар берилади. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшларнинг кредит харажатининг 6 фоизи давлат томонидан қопланади, давлат ташкилотларига ишга кирмоқчи бўлган ёшлар учун Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан ўтказиладиган тест балларига 10 фоизлик имтиёз бериш амалиёти жорий қилинади. Хусусий секторда фаолият юритмоқчи бўлган ёшларга касбни эгаллаш ва сертификат олиш харажатлари тўлаб берилади.

– Бир сўз билан айтганда, “муддатли ҳарбий хизматни ўташ – ёшлар учун муваффақият йўли”га айланиши керак, – деди Президентимиз.

Муҳандислик-техник, киберхавфсизлик ва ахборот хуружларига қарши курашиш соҳаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш энг муҳим масала экани таъкидланди. Шу боис, муҳандислик-техник йўналишдаги ҳарбий-илмий базани мустаҳкамлаш, жойларда ҳарбий технопарклар ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини янада мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг маънавий оламини ҳам мунтазам бойитиб боришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Бунда китобхонлик муҳим ўрин тутди. Шу боис, жорий йилда барча ҳарбий қисм ва муассасалар жами 1 миллион нусхадаги бадиий адабиётлар билан таъминланади.

Қуrolли Кучлар тизимидаги ҳарбийга йўналтирилган мактаб-лицей ўқувчилари, муддатли ҳарбий хизматчилар, курсантлар, сержант ва офицерлар ўртасида Олий Бош Қўмондон соврини учун китобхонлик танлови йўлга қўйилди. Округ, қўмондонлик, вазирлик, Олий Бош Қўмондон танловларида ғолиб ва совриндор бўлган аскарларнинг муддатли

ҳарбий хизмати бир ойга қисқартириб берилади.

Ҳар йили ҳарбий хизматчилар ўртасида кўпкураш, қўл жанги, оғир атлетика каби спортнинг 10 дан ортиқ анъанавий турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Энди жорий йилдан бошлаб киберспорт, дрон ва робот технологиялари каби замонавий спорт турлари бўйича уч босқичли мусобақалар ташкил этилади.

– Минтақаий ва глобал вазиятни доимий таҳлил қилиб бориш, миллий армиямизнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш – бутунг кун талаби. Ўзбекистон армияси халқ ҳимоясига доимо тайёр туриши, бунинг учун тезкор, юқори технологияли, янги жанг шaroитларига мос бўлиши керак, – деди Президент.

Шу сабабли, қўшинларни сунъий интеллект асосидаги роботлашган мажмуалар ва учувчисиз тизимлар, енгил ҳарбий техника, замонавий қуrol-аслаҳа, разведка воситалари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз мудофаа саноатини янада ривожлантириш, соҳа корхоналарида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этиш устувор вазифалардан бири бўлиши кераклигини қайд этди.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини рақамлаштириш шароитида киберхавфсизликни таъминлаш ва миллий рақамли инфратузилмнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, мутақаддиларга шахсга доир маълумотлар ва рақамли тизимлар ҳимоясини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаш топирирди.

– Ҳарбий хизматчилар меҳнатини кадрлаш, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш доимо диққат-эътиборимиз марказида бўлиши зарур, – деди Президентимиз ва бу борада катта янгилекларни эълон қилди.

Хусусан, 1 апрелдан бошлаб Мудофаа вазирлиги офицерларига кўп йиллик хизмати учун устама миқдори 2 карра оширилади. Контракт асосида хизмат қилаётган оддий аскар ва сержантларнинг ойлик маоши 10 фоизга кўпайтирилади. Ҳудудий мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимларининг ҳарбий бўлмаган хизматчиларининг ойлиги бу йил 20 фоизга,

келаси йили яна 50 фоизга оширилади.

Қуrolли Кучлар сафида 30 йилдан ортиқ хизмат қилган ҳарбийлар учун пенсия ҳисоблашда иноватга олинadиган ойлик миқдори 75 фоиздан 100 фоизга етказилади.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчилар учун уй-жой қурилиши кенгайтирилади.

Масъулларга ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминотини белгилайдиган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, парламентга киритиш топирирди.

Замонавий хавф ва таҳдидларнинг мазмуни ҳам, кўлами ҳам кундан-кунга ўзгариб бораётгани, мудофаа ва хавфсизлик соҳаси олдига катта вазифалар қўйилаётганини иноватга олиб, давлатимиз раҳбари саккиз йил олдин қабул қилинган Мудофаа доктринаси ҳамда 1997 йилда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясини қайта кўриб чиқиш вақти келганини кўрсатиб ўтди.

Янги Мудофаа доктринаси мамлакатимизни ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолишини, кўп томонлама дипломатияга таянишда давом этишини, юқори технологияларга асосланган стратегия, ҳарбий мустақиллик ва минтақаий барқарорлик йўналишида ривожланишини таъминлаши лозимлиги таъкидланди.

– Умуман, янги доктрина армияни технология янгилаш ва илғор ҳарбий ечимларни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак, – деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш якунида Қуrolли Кучларимизнинг жасур аскар ва сержантлари, офицер ва генераллари, фахрийлари, уларнинг оила аъзолари ва яқинларини Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кун билан самимий табриклади.

– Сизларнинг жасоратингиз, қасам-ёдга садоқатингиз, эл-юрт ҳимояси йўлидаги фидойилигингиз билан бутун халқимиз фахрланади. Ўзгал юртимизда тинчлик-осойишталик ва ҳамжихатлик доимо ҳукм сурсин, жонажон Ватанимиз янада мустаҳкам ва барқарор бўлсин! – деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда мудофаа вазири, ҳарбий округ қўмондонлари ва бошқа масъулларнинг ҳисобот ҳамда тақлифлари эшитилди.

ЎЗА

ЎТГАН ЙИЛИ 234 МЛРД. СЎМЛИК ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛДИ

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида йўл қурилиши соҳасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, инвестиция дастури доирасида Беруний тумани Абай масивидagi Ўргут ЭИЗга олиб борувчи 3 км. узунликдаги автомобиль йўларини қуриш ишлари учун 7,6 млрд. сўм маблағ ижрочи “Шоббоз тош” МЧЖга ўтказиб берилди. Корхона томонидан 7,9 млрд. сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилиб, қурилиш ишлари тўлиқ якунланди ва фойдаланишга топирирди.

Шунингдек, драйвер лойиҳалари доирасида 6 та объект учун 7,7 млрд.сўм маблағ ажратилган бўлиб, объектларнинг ижрочи корхоналари аниқланди.

Бугунги кунда ушбу 6 объектда ҳам 7,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топирирди.

Опен бюджет биринчи мавсуми доирасида 89 та лойиҳада 156,1 км. узунликдаги автомобиль йўларида 100,8 млрд.сўмлик лойиҳалар ғолиб



бўлган эди. Бу ишлар ҳам ўз вақтида муваффақиятли уddаланди.

Қўнғирот, Чимбой туманларини комплекс ривожлантириш бўйича дастур қабул қилиниб, 9 та объект дастурга киритилган. Объектларнинг ижрочи корхоналари аниқланди ва қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Атроф-муҳитга таъсири бўйича 1- ва 2- тоифага кирувчи йирик саноат корхоналари ҳудудларида яшил белбоғлар ташкил этиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда 571 минг дона кўчат экиш режалаштирилган бўлиб, айна пайтга қадар 518 минг дона кўчат ўтказилган. Чиқинди полигонлари атрофида эса 20 минг дондан зиёд кўчат экилган.

Қўчатларнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида инфратузилма масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш ва яшил ҳудудлар ҳажмини оширишга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси мамлакатнинг барча ҳудудларида, жумладан, Навоий вилоятида ҳам изчил амалга оширилмоқда.

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК САРИ

– Кўчат экиш ишлари вилоят ҳудудида соҳалар кесимида амалга оширилмоқда. Фермер хўжаликлари дала четларига 1 миллион 562 минг дона кўчат экилган. Маҳаллалар ва аҳоли томорқаларида эса режада белгиланган 900 минг дона ўрнига 1,2 миллион дона кўчат ўтказилган бўлса, Ўрмон фонди ерларида 2 миллион 299 минг дона, автомобиль ва темир йўл ёқаларида 386,2 минг дона, дарё, канал, ариқ ва зовурлар бўйларида 231,9 минг дона кўчат экилди, – дейди вилоят экология бошқармаси мутахассиси Гулноза Мирзаева.

Атроф-муҳитга таъсири бўйича 1- ва 2- тоифага кирувчи йирик саноат корхоналари ҳудудларида яшил белбоғлар ташкил этиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда 571 минг дона кўчат экиш режалаштирилган бўлиб, айна пайтга қадар 518 минг дона кўчат ўтказилган. Чиқинди полигонлари атрофида эса 20 минг дондан зиёд кўчат экилган.

Қўчатларнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида инфратузилма масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўғориш тизими мавжуд бўлмаган ҳудудларда 11 та тик кудуқ қазилиб, янги сўғориш тизимлари йўлга қўйилди. Аҳолининг экологик билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида 28 та маҳалла фуқаролар йиғинида 38 та амалий семинар ташкил этилди. Шаҳар ва туманларда эса 11 та жойда 14 та кўчат сотиш ярмаркалари ўтказилди.

Навоий вилоятида “Менинг боғим” лойиҳаси ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг муҳим таркибий қисми сифатида амалга оширилмоқда. Ушбу ташаббус доирасида яшил жамоат парклари ва яшил боғлар ташкил этиш бўйича лойиҳалар овоз бериш асосида саралаб олинди ва натижада иккита лойиҳа ғолиб деб топилиди. Лойиҳалар бўйича ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, ер майдонлари хариталари тасдиқланди.

Умуман олганда, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси Навоий вилоятида экологик барқарорлиқни таъминлаш, аҳоли яшаш муҳитини яхшилаш ва ҳудудларни қўлакамзорлаштириш борасида аниқ натижалар бермоқда.

Абдували БҲРИЕВ, ЎЗА мухбири.

Биргина ўтган 2025 йилнинг ўзида 51,9 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинди, шундан, 36,2 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин ерлари лазер ускунаси ёрдамида текисланиши ҳисобига ҳосилдорлик ўртача 5-8 фоизга ошди

Сув экин майдонларига ўз вақтида етказиб берилмоқда

(Боши 1-саҳифада)

Биргина ўтган 2025 йилнинг ўзида 51,9 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинди, шундан, 36,2 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин ерлари лазер ускунаси ёрдамида текисланиши ҳисобига ҳосилдорлик ўртача 5-8 фоизга ошди.

Электр энергиясини иқтисод қилиш мақсадида насос станцияларга 25 дона ресурстежамкор электродвигателлар ва 20 дона насос станциялар янғисига алмаштирилди, янғидан 15 дона конденсатор, 7 дона частота ўзгартирувчи қурилмалар, 25 дона қуёш батареялари ва 1 дона сув иситиш қурилмаси ўрнатилиб, ишга туширилди.

Насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги 82 дона насос станция ва 12 дона трансформатор таъмирланди.

Бундан ташқари, 2025 йилда фермер хўжаликларининг 2138 та насос агрегатларини қуёш энергиясидан фойдаланиши тизимига ўтказиш белгиланиб, амалда 2622 дона насослар агрегатларига қуёш панеллари ўрнатилди.

Сув хўжалиги объектларини рақамлаштириш мақсадида каналларга 339 та “Ақили сув” қурилмалари, мелиоратив қузатув қудуқларига 1299 та “DIVER” қурилмалари, 252 та насос станцияга “онлайн” қурилмалар ўрнатилди ва 4 та йирик гидротехник иншоот бошқаруви автоматлаштирилди.

Давлат дастури доирасида 15 та ирригация ва мелиорация объектларида 97,3 млрд. сўм маблағлар

ҳисобига 8,8 км. узунликдаги Амударё химоя дамбаси реконструкция қилинди, “Султон-Санжар” сув омборида қўшимча сув захираси йиғиш мақсадида 0,6 км. тупроқ ичида девор қуриш ишлари бажарилди, 32 км. узунликдаги каналлар реконструкция қилинди ва бетонлаштирилди, 6 дона гидротехник иншоот ва 1 та насос станция, 3,5 км узунликдаги магистрал коллекторлар реконструкция қилинди ҳамда 870 км. узунликдаги коллекторларда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Шунингдек, 2025-2026 йилларнинг қуз-қиш мавсумида 292 км. узунликдаги каналлар механизмлар билан тозаланди, улардаги 65 дона гидротехник иншоот ва 53 дона гидропост таъмирланади.



11 та туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари ҳисобидаги 140 км. узунликдаги сугориш тармоқлари бетонлаштирилди. Кластер, фермер хўжаликлари ҳисобидаги 1640 км. узунликдаги каналлар механизм ва қўл кучи билан тозаланди, улардаги 205 дона гидротехник иншоот ва 165 дона гидропост, 360 дона сув олиш қулоғи таъмирланди.

Фермер хўжаликларининг 1600 километр узунликдаги ички сугориш тармоқлари бетонлаштирилиб, бу борадаги ишлар давом этмоқда. Буларнинг натижасида, ўтган йили 969,4 миллион метр куб сув иқтисод қилинишига эришилди.

Жорий йилда ҳам 41,7 км. узунликдаги ирригация объектларини, 2 дона гидротехник иншоот, қуввати 9 куб метр секунд бўлган насос станцияларини қуриш, реконструкция қилиш белгиланган. Сув хўжалиги тизими ташкилотлари ҳисобидаги 645 км. узунликдаги каналларни тозалаш ва улардаги 83 дона гидротехник иншоот ва 62 дона гидропостни таъмирлаш режалаштирилган.

Юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, 13 минг гектар ерларнинг сув таъминоти яхшиланишига эришилади.

Жорий йилда 12 та насос агрегати ва 9 та электро-двигателни янги, замонавий энергия тежам-



корига алмаштириш, 10 та конденсатор, 28 та частота ўзгартирувчи қурилма, 15 та қуёш панели ва 1 та қуёш сув иситиш қурилмасини ўрнатиш белгиланган. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши орқали йиллик 0,64 млн. кВт.с электр энергия тежаланишига эришилади.

Мелиоратив қузатув қудуқларига 217 дона “Дайвер” қурилмасини, 80 та насос станцияга электр энергия ва сув ҳажмини “онлайн” назорат мониторинг қилувчи жиҳозлар ўрнатиш белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг 26 минг 679 гектар сув тежовчи технологиялар, шундан, 3 минг 250 гектарда томчилатиб, 5 минг гектарда ёмғирлатиб, 6 минг гектарда бошқа сугориш технологияларини жорий қилиш ҳамда 12 минг 479 гектарда лазерли текислаш белгиланган. Жорий йилда 24,1 км. узунликдаги мелиоратив объект ва улардаги 4 та иншоот реконструкция қилинади. Шунингдек, 1000 км. узунликдаги мелиоратив объектларни тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилади. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, 28 минг гектар сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилади. Сув хўжалигидаги 50 та лойиҳанинг давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилиши белгиланган. Сув хўжалиги ташкилотларини 30 нафар ёш, олий маълумотли мутахассис кадрлар билан таъминлаш режалаштирилган. Соҳани илмий асосда ривожлантириш мақсадида учта илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш белгиланган.

Сирасини айтганда, жорий йилда ҳам барча сувчиларимиз билан бир ёқадан бош чиқариб, белгиланган обихаётни истеъмолчиларга қафолатли етказиб беришга, улкан хирмонлар яратилишига ҳисса қўшишга барча куч ва саъй-ҳаракатларимизни сафарбар этамиз.

Элёрбек НУРМЕТОВ,

Чап қирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи.



алмашилди.

Семинар иштирокчилари “Янги-кент 1” насос станцияси мисолида мазкур механизмларнинг амалий жиҳатлари, қутилаётган самара ва натижаларни муҳокама қилдилар.

Зарафшон ИТХБ матбуот хизмати

➤ 2026 йил – “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”



➤ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ЖОҢ ТОМИРГА ТУТАШГАН МАСКАН

Маҳалла деганда, кўз ўнгимизда беғубор болалигимиз ўтган кўчалар, ҳар япроғи таниш дов-дароҳлар, ўз эгаларига ўхшаб кетадиган уйлар ва қадрдон чеҳрали одамлар гавдаланади. Юртимиздаги маҳаллалар номи турлича, бироқ ундаги қадриятлар деярли бир хил. Маҳаллада ймон, меҳр, оқибат, мурувват яшайди. Маҳаллада ўзига хос ҳоёт, ўзига хос сабоқ бор...

Ривожланган мамлакатларда ҳам ёлғиз қолган кексалар ўз уйида вафот этиб, бир мунча муддат биров хабар топмай қолаётган бир пайтда бизнинг маҳаллаларда ёлғиз қарияларни ҳар куни албатта, бир қўшини ёхуд маҳалладошлари, дўст-биродарлари йўқлайди. Кам даромадли, бемори бор ёки бошига бирон мусибат тушган оилалар бўлса, маҳалла уларга асло бефарқ бўлмайди. Маҳалладош маҳалладошнинг қувончу ташвишига шерик. Ташвишли давларда “Ҳеч ўйланманг, мана биз бормиз, маҳалла бор”, деган гапнинг кишига қанчалар дадда бўлишини бу хисни туйганлар жуда яхши билишади.

Ҳа, сезганингиздек, маҳалла гўёки катта оила. Оила бўлгандаям, аҳил, меҳр-оқибати кучли оила. Фарзандларимизнинг хушхулқли инсон бўлиб вояга етишида маҳалланинг ўрни катта. Маҳалла фарзандингизга кўз-қулоқ, беминнат назоратчи, тарбиячи. Лўнда қилиб айтганда, маҳалла – катта куч. Бу куч манбаи ҳамжиҳатликда, одамларнинг ишон-чиди.

Президентимиз 2026 йилни юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб эълон қилишни таклиф қилди ва буни халқимиз жуда катта мамнуният билан қабул қилди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида “Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила – оилага, қўшни – қўшнига қўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни аини шу руҳда тарбиялашимиз керак. Бугунги

кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу – демократиянинг бирламчи талаби. Аммо миллати, тили ва динидан қатъи назар, 38 миллионли эл-юртимизни бирлаштирадиган улуг бир гоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати, халқимиз манфаатидир. Мана шундай буюк мақсадга эришишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёс. Чунки маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади”, дея мутлақо ҳақ гапни айтиб ўтдилар.

Йилнинг бундай номланиши Янги Ўзбекистон тараққиётида янги даврни бошлаб беради. Зотан, маҳалла – жамиятимизнинг юраги. Маҳалла тараққий этса, мамлакат ривожланади. Халқни, одамларни ўз ҳаётидан маннун яшашларини таъминлашдек мақсад йўлидаги чора-тадбирлар самарадорлигини оширади. Агар бирдам бўлсак, бефарқ бўлмасак, ободликни оилаларимиздан бошласак, маҳаллаларимиз ўз-ўзидан ривож топади. Ободлик бу атрофимизнинг тозалиги ва ашилликка бурканишигина эмас, балки оилаларда соғлом муҳит қарор топиши, аҳоли даромадларининг ортishi, фарзандларнинг илмли, ҳунарли бўлиши, ҳаётимиздаги иллатларга тўла барҳам берилиши демакдир.

Ҳаётимизни маҳалласиз тасаввур этолмаймиз. Шундай экан, унинг ҳаётида шунчаки бор бўлмайлик. Маҳаллада ўз ўрнимиз бўсин, ўзимиздан яхши ном, яхши из қолдирайлик. Бунинг учун бугун имкон бор, шундай эмасми?!

Ҳайитали ТҲҲИЧЕВ,

Улутнор туманидаги “Мингбулоқ” жомеъ масжиди имом-хатиби.

“БИР НАСОС – БИР ТИЗИМ” – НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ БОШҚАРУВИДА ЯНГИ ҚАДАМ

Иштихон туманидаги “Янги-кент 1” насос станциясида сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқаришга бағишланган амалий семинар ўтказилди. Унда Сув хўжалиги вазирлиги Рустам Қаршиев иштирок этди.

Семинарда сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш, қуйи бўғинда сув ресурсларини самарали бошқариш ҳамда насос станцияларини хусусий сектор иштирокида модернизация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, 2026–2027 йил-



ларда насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш амалиёти bosqichma-bosqich кенгайтирилди. Шунингдек, “бир насос – бир тизим” тамойили асосида жорий этилаётган “Чортоқ тажрибаси”ни Самарқанд вилоятида йўлга қўйиш масалалари юзасидан ҳам фикр

➤ Эълон

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” МЧЖ очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 6 январдаги 1-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ худудига жойлашган лойиҳалаштирилиб, қурилиши режалаштирилаётган ва мавжуд савдо шаҳобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда.

№	Савдо шаҳобчаларининг асосий тафсиҳлари	Бошланғич баҳоси сўмда
1	44-29-сонли умумий майдони 12.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	120 000 000
2	44-30-сонли умумий майдони 12.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	120 000 000
3	44-31-сонли умумий майдони 12.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	120 000 000
4	44-32-сонли умумий майдони 12.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	120 000 000
5	44-33-сонли умумий майдони 12.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	120 000 000
6	44-34-сонли умумий майдони 12.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	120 000 000
7	38-25-сонли умумий майдони 20.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	200 000 000
8	38-26-сонли умумий майдони 20.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	200 000 000

№	Савдо шаҳобчаларининг асосий тафсиҳлари	Бошланғич баҳоси сўмда
9	38-27-сонли умумий майдони 20.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	200 000 000
10	38-28-сонли умумий майдони 20.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	200 000 000
11	37-49-сонли умумий майдони 10.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	100 000 000
12	37-50-сонли умумий майдони 10.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	100 000 000
13	37-51-сонли умумий майдони 10.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	100 000 000
14	12-21-106-сонли умумий майдони 12.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	72 000 000
15	12-15-346-сонли умумий майдони 6.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	36 000 000
16	36-5-146-сонли умумий майдони 24.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	240 000 000

№	Савдо шаҳобчаларининг асосий тафсиҳлари	Бошланғич баҳоси сўмда
17	36-7-24 - сонли умумий майдони 80.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	240 000 000
18	36-7-25-сонли умумий майдони 80.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	240 000 000
19	19-6С-сонли умумий майдони 24.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	72 000 000
20	21-1-6-сонли умумий майдони 15.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	150 000 000
21	21-1-7-сонли умумий майдони 15.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	150 000 000
22	21-1-8-сонли умумий майдони 15.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	150 000 000
23	21-1-9-сонли умумий майдони 15.00м² бўлган савдо шаҳобчаси.	150 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб, расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2026 йил 11 февраль соат 16:00.

Талабгорларнинг таклифлари 2026 йил 13 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб қўриб чиқилади. Энг юқори таклифи берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда,

такрорий савдолар 2026 йил 27 февраль, 13, 27 март, 10, 24 апрель, 7, 21 май, 4, 18 июнь, 1, 15, 29 июль кунлари сотилгунча қадар соат 11:00 да ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертга солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- jisмоний шахслар учун СТИР ва паспортнинг нусхаси.
- Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида

“ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р: 20208000905740427002, МФО: 01121, СТИР: 311 041 441 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк куни ичида сотувчи билан ижара шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо таъкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинади-ган манзил: Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Ҳамид Олимжон кўчаси 13 А - уй. Телефон: (71) 237-23-82.

08-01/24490 рақами билан 1993 йил 23 мартда Мамбетов Шевкет Иззетович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
05-02/11684 рақами билан 1993 йил 26 августда Садиқова Шайра номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
09-02/4874 рақами билан 1993 йил 6 февралда Шакиров Закирджан Садиқович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
08-01/9257 рақами билан 1993 йил 7 январда Бахрамов Манзура Якубовна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Шота Руставели кўчаси 20-уйда жойлашган Сабинова Тамара Акбаровнага тегишли мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи (14.05.2001 йилда берилган) 2007-сонли давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.
Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Хўжаобод” МФЙ Цвет Мет кўчасида жойлашган Аминова Зумрут Шакировна эгалигидаги 18 уйга тегишли 11:03:05:03:01:0576 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Ватан туйғуси – жасорат манбаи

Ватан туйғуси инсон билан бирга ўсиб-ўлғаядиган туйғу. Устозларимиз айтганидек, “хаёт дошқозонида пишиб борганимиз сари, Ватанни чуқурроқ кадрлайдиган бўламиз. Ватан туйғуси ҳар ҳужайрамизни қамраб олиб, бутун вужудимизда томир ёзади...”.

Ватан бизсиз яшаши мумкин, бироқ биз Ватансиз яшай олмаймиз. Зеро, дунёда ўзбек кўп, Ўзбекистон эса ягона. Нимаики рўш-нолик кўрсак, унинг меҳри, таровати билан кўрамиз. Ахир, бу Ватан сизу бизга Яратганнинг ато этган буюк тўғфаси, неъматидир. Қолаверса, унга бўлган муҳаббат ва уни севиш Пайғамбаримиз Мухаммад салоллоҳу алайҳи васалламдан мерос, буюк аждоқларимиздан мерос. Бу мерос табиийки, уни кўз қорачигидек асрашни, садоқат ва меҳнатни, жонфидоликни талаб этади. Зеро, Ватан бойлиги учун эмас, борлиги учун севилади.

Ватанни севмоқ иймондандир. Имом Термизийдан ривоят қилинган ушбу сўзлар бугун Ватан сарҳадларини қўриқлаётган ўғлонларимиз, Ватан ҳимоясида бўлган

ҳарбийларимиз, аскарларимиз руҳиятини кўтариб юбориши табиий. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтгандилар: “Икки кўз соҳиблари борки, уларга дўзах ўти тегмайди. Биринчиси, қоронғу тунда Аллоҳни эслаб, унинг азобидан қўриқиб, йиғлаган кўз. Иккинчи кўз соҳиб Аллоҳ йўлида Ватанини, юртини қўриқлаб, ухламаган кўз”.

Демак, Ватан ҳимоячилари тонгда хизматга чиқиб кетаётганларида шундай ният қилсинларки, “мен бутун бедорлик билан Ватанимни, юртимни қўриқлайман. Бу хизматим учун Аллоҳ таоло ўзимни, кўзимни дўзах ўтидан сақлайди”. Шунда бу хизмат ибодатга айланади. Хоҳ у Ватан ҳимоячиси бўлсин, хоҳ ички ишлар ҳодими бўлсин, сизу бизнинг тинчлигимизни сақлаш учун, Вата-

нини асраш учун кечаларни бедор ўтказяптими, уларнинг хизматлари буюк ибодатларга тенгдир.

Аллоҳ таоло Ватанимизни, юртимизни ёмон кўзлардан, ёмон сўзлардан, турли бало, офатлардан паноҳида асрасин. Мустақил юртимизнинг ҳимоячи ўғлонлари мард, жасур, баҳодир бўлиш билан бирга Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби боболаримиздек ғайрат-шижоатли, имон-эътиқоди мустаҳкам ва юртсевар, билимдон, фидойи ёшлар бўлиб етишмоғини Яратгандан сўраймиз. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

А. ТУРҒУНОВ,
Норин туманидаги “Ғойиб бува” жомъе масжиди имом-хатиби.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Ўқувчиларнинг тўғарак машғулотида ўрганган ҳунаrlари уй-рўзғор ишларида ҳам қўл келмоқда

Ўрта маълумот олган ёшлар бирор касб эгаси бўлиши ва камиди иккита хорижий тилини билиши кераклиги тўғрисида таълимга қўйилаётган талаб ёшларнинг келажаги учун жуда муҳим эканлигини англаган ўқувчилар ва ота-оналар уни маъқулладилар.



Мен дарс бериб келаятган синфимдаги 32 нафар ўқувчининг барчаси бугунги кунда бирор тўғаракка иштирок этмай қолмаяпти. Уларнинг 13 нафари мактабимизда ташкил қилинган тўғаракларда, 8 нафари ўқувчиларнинг “баркамол авлод” ўқув маркази, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошидаги тўғаракларда, 11 нафари эса турли фанларни чуқур ўргатувчи ўқув марказларида иштирок этиб келишмоқда. Мактабимиз ҳудудида ташкил қилинган тўғаракларда қиз болалар учун тикувчилик, бичиш-тикиш, қандолатчилик цехлари айниқса, уларнинг қизиқишларини оширди. Уларда ишлаётган уста мураббийлар ўқувчилар билан жуда яхши иш олиб бормоқдалар. Усталардан таълим олган ўқувчилариниз мактаб номидан туманда ўтказилган пазандчилик ва рассомлик тўғарак аъзоларининг кўрик танловида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдилар. Улар туман ўқувчилари номидан вилоятда ўтказилган мусобақаларда иштирок этишиб, совринли ўринни эгаллашди. Бу ўқувчилар орасида синфимиз қизлари ҳам борлиги барчамизни қувонтирди.

Бир миллион дастурчи сафида компьютер дастурлари тузишни ўрганишга киришган ўқувчиларимиз ўз устозларидан таълим олиб, дастурлар тузишга киришдилар. Ҳатто уларнинг тузган айрим дастурлари оила бюджетига даромад ҳам келтирмоқда. Мактабимиз жамоаси ўқувчиларнинг ёшликдан қизиқишлари ҳам таъминдаги турли устахоналар билан келишган ҳолда уларга экскурсиялар уюштириб келади. Ҳатто юқори синф ўқувчилари бўш вақтларида, таътил кунларида ўша корхоналарда меҳнат ҳам қилишади.

Болаларнинг касб ўрганишга интилиши ота-оналар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Чунки уларнинг тўғарак машғулотида ўрганган ҳунаrlари уй-рўзғор ишларида ҳам қўл келмоқда.

Н.Тўраева,
Н.МИРЗАҚУЛОВА,
Ғузор туманидаги У.Уватов номи 1-мактаб ўқитувчилари.

ДЕҲҚОН ҲАМ ДАМ ОЛАДИ

Тезкор давр кўп қадим отасўзларимизни ҳам ислоҳ қилди. Айтилмиш “Деҳқон ёкқанда, чўпон ўлғанда” маталининг деҳқонга аталган қисми бугун ўзгарган. Нега дейсизми? Эшитинг!

Олдинлар, ўн йилларча авваллари ҳам пахтачилик ва бугдойчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари эгалари йил-ўн икки ой тиним –дам олиш нималигини билишмасди. Сабаби, пахта терими қиш бошламасигача давом қилар, бу ёғида ҳосили йиғиштирилган далаларни ғўзапоялардан тозалаш, шудгор қилиш, текислаш ва ерларнинг шўрини ювиш бошланарди. Бу ишларни техникаси бисёр фермер хўжалиги январь ойигача улгурса, дўпписини осмонга отарди.

Воҳа шароитида ерларнинг шўрини камиди икки марта ювиш керак. Бу агротехник жараён январь ва февраль ойларида бажарилса у ёғида эса бугдойларни суғориш, ўғит бериш бошланар, кейин экин мавсуми шошилтирарди. У ёғига кетди, деҳқонга тиним қайда? Ўтган йилги мавсум Хоразм деҳқони учун бошқача бўлди. Янги, тезпишар пахта навлари экилгани ва вақтида ишлов берилгани натижасида пахта август ойдаёқ очилди. Терим мавсуми узоғи билан қирқ кунга тортди. Режани ошиғи билан удалаган айрим фермер хўжаликлари сентябрь охири ва октябрь бошида ҳосилдан бўшаган майдонлардаги ғўзапоялар-

ни йиғиштириб, ерларни шудгор қилишга киришдилар. Ноябрь ойи охирида бошланган ерларнинг шўрини ювиш жараёни декабрь ўрталарига келиб якунланди. Айрим фермерлар бу муддатда ерларнинг шўрини икки марта ювишга ҳам улгуришди. Ҳозир шўри ювилган далалар “қиш уйқуси”-га чўмган – осмондан ёғаётган қор ва ёмғирдан тўйиниб ётибди. Кейинги ойда ерлар шўри яна бир марта ювилса кифоя. Сўнг тобига келган далаларга баҳор бошламасида уруғ қадалади. Айни пайтда шу ойда ғўзаларга қўшимча озуқа сифатида маҳаллий ўғит жамғариш жараёни ҳам тезкор ўтказилади.

...Бир масала юзасидан қишлоғимиз ҳудудида деҳқончилик қилаётган фермерларга кўнғироқ қилдим. Мен излаган беш нафар фермердан тўрт нафари санаторияда дам олаётган, бир нафари умра зиёратига кетган экан. Мавсумда бугдойдан 80-90, пахтадан 50-60 центнерлик хирмон уйган фермерларга дам олиш ярашади.

Жорий йил мавсуми ҳам омадли ва серҳосил келишини тилаб қоламиз. **Рўзимбой ҲАСАН,** журналист.

ЭЪЛОН

07-01/14121 рақами билан 2021 йил 5 мартда Саидова Насиба Мухаммаджановна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

ЮРТМИЗ САЙЁҲЛИК ГЕОГРАФИЯСИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти тобора ортиб бормоқдаки, буни барчамиз кўриб, билиб бораёпмиз.

Юртимиз бўйлаб замонавий инфратузилма объектлари барпо этилиб, туризмнинг жаҳон андозалари даражасидаги янги йўналишлари жорий қилинмоқда. Лўнда қилиб айтганда, мамлакатимиз сайёҳлик географияси йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Шунинг баробарида мавжуд тарихий-маданий ёдгорликларимиз ҳам таъмирланиб, улар кенг қўламда тарғиб ҳам қилинмоқда. Бу каби тизимли, таъсирчан чора-тадбирлар қутилган самарасини бермоқда, албатта.

Юқорида таъкидлаганимиздек, юртимиз яна бир туристик манзил билан бойимоқда. Фарғона туманининг туризм салоҳияти-



дан самарали фойдаланиш, тоғли ҳудудларнинг захира имкониятларини ишга тушириш, аҳолини

хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, туманнинг инвестициявий жозиба-

Ёш ижодкорлардан бири

“ҚУЁШ ДЕГАН ЮРТДА ЯШАЙМАН”



Мавлудaxon Ҳасанова 1998 йилда Балиқчи туманида туғилган. Ҳозирда Андижон давлат университетининг мактабгача таълим йўналиши 3-босқич талабаси. У шеърятга қизиқади. Ёшлик, Ватан ва ўзи туғилиб ўсган қишлоқнинг мафтункорлиги, самимий, соддадил инсонлари ҳақида жўшиб ёзади. Ижод намуналари республикамиздаги қатор даврий нашрларда, шунингдек, Туркменистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғистон, Туркия каби давлатлар матбуотида чоп этилган.

Мавлудaxon Республика ёш ижодкорларининг “Зомин” семинари иштирокчиси, адабиёт йўналишидаги вилоят, республика ҳамда алқаро

танловлар ғолиби ва совриндори. Ёш ижодкорнинг шу кунгача “Буюклар биз томондан”, “Умид ғунчаси”, “Баҳор васли” номли шеърый тўпламлари нашр қилинган. Шунингдек, 2019 йилда Туркияда “Шеър завқи”, 2021 йилда АҚШда “Меетинг оф Спринг” номли шеърый тўплами чоп этилган.

Мавлудaxon Ҳасанова Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркия давлатларининг ёзувчилар уюшмалари аъзоси.



Ўиланай

Бир илик сўз айтмоқлигим бор,
Бир бор айтсам, бошланар чаман.
Қуш бўлсам ҳам қайтмоқлигим бор,
Кўзларингдан айланай, Ватан!

Оппоқ қалблар жам бўлган давра,
Бор синовлар чиқолмас енгиб.
Сен доялик қилганинг – ўғил,
Қизларингдан айланай, севги!

Ҳаётимга киради нурлар,
Сўнг, ўзимни дейман мардона.
Қадамингдан ўстирсанг гуллар,
Изларингдан айланай, она!

Қуёш деган юртда яшайман,
Тирикманки ёнсам умрбод.
Яша дея юзимга қўйган,
Юзларингдан айланай, ҳаёт!

Зоминга мактуб

Қалбимда портлади бир буюк вулқон,
Кўзимда сачради унинг чўғлари.
Улкан тўсиқларни бузди-ку тўғфон,
Озодлик хоҳладим, шодлик хоҳладим...

Оҳ, менинг қадимий ўн саккиз ёшим,
Сен жуда олислаб кетгандайсан-а.
Зомин деган юртда битди бардошим,
Мен энди каттаман ўзимча, қара.

Шаршаранг соғиндим, боғинг соғиндим,
Гулигга лабимдан чексаман имзо.
Тушимда кўп бора ёнингга бордим,
Ўнгимда ўнглашиб кетмади дунё.

Оҳ, менинг зил-замбил палахмон тошим,
Қайларга отилдинг, қимга сотилдинг?
Айтгин, у сенмидинг ёки менмидим,
Ишқу муҳаббатнинг қаро қотили?

Ахир у сенмидинг ва ёки тақдир,
Нотаниш йўлларга улоқтирди Қим?
Жавобин билажак ягона Ҳақдир,
Сўроқлар саволлар керакмас балким...

Қовушмоқ истадим фақат бахт билан,
Бахтим чинор бўлди ичи бўш ғовак.
Бойқушлар ин қурди жидду жаҳд билан,
Шоҳида илонлар эврилар сарак...

Қовушмоқ истадим оқ висол билан,
Оқ либос кийдим мен оқ тушиларимда.
Оқлик сингаверди қаро осмонга,
Лайлидек айрилдим эс-қушларимдан.

Тоғларингга отди кўнглим тонглари,
Шамолингга шеърим уқтириб келдим.
Мен бир йиғлоқиман висол онлари,
Ёмғирингга феълим юқтириб келдим.

Шаррос куйяптимиз энди у ёмғир,
Ўрикисойингга дарахтлар қандай?
Оғир вазминмисан, пушқорқимсан,
Мени севганмидинг сени севгандай?

Кўзларимда соғинч, юрагим пора,
Оҳ тортсам узилиб тушгучи тутман.
Минг йиллар ўтса ҳам майли, минг бора
Андижонни эсла... мени унутма!..

Ўзтироб

Сен Мажнун бўлмадинг начора тақдир,
Телбалик қилмадинг ва ё ёшлмадинг.
Лайлиман... Шоирман... тушунгин ахир,
Пишмас хаёлларим ҳар дам имлади.

Бўғзимда тикилиб қолган армоним,
Бас ўн иш ўтдики ютолмаяпман.
Чумолилар талаб бўлган чинорни,
Афсуски, баҳридан ўтолмаяпман.

Афсуски, виждоним бўйин товлади,
Азалий ғуноҳ деб изтироб чекдим.
Сени суягүвчи унсур қолмади,
Ҳавода муаллақ турма бас, Севгим...

Мавлуда ҲАСАНОВА



кластерини туристик объектка айлантириш учун зарур инфратузилма яратилади ва салоҳиятли тадбиркорларни жалб этган ҳолда малина боғлари ҳудудида енгил конструкцияли хизмат кўрсатиш объектлари ташкил қилинади. Шунингдек, тумanning “Саноат” ва “Ҳосилот” МФЙ ҳудудларида хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибаси асосида малина плантацияларини ташкил қилиш, музлаткичлар ва чуқур қайта ишлаш цехларини куриш орқали агротуризм хизматлари йўлга қўйилади. Мазкур ташаббуслар ҳудудда туризм ва агросаноат кооперациясини кучайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳаллий аҳоли бандлигини оширишга хизмат қилиши кутилмоқда.

Қувонч ХИДИРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс
таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
**Чорн
ЛАТИПОВ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Нарзулло ОБЛОМУРДОВ,
Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Раимкул СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табок. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Нашр индекси – 144. Буюртма Г-117. 3380 нусхада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Тахририят манзили: Тошкент вилояти Қўрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. **E-mail:** infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоис келишилган нарҳда.
Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.00